

19. ДР Жўраева, БД Аллашов Маккажўхори етиштиришда инновацион усулда тайёрланган компостдан фойдаланиш. 2023 Ж.Science and innovation. Том 2. №Special Issue 8. 297-301 бетлар

20. Кимсанов И., Абсаматов С. Маккажўхорини Ўзбекистон 306 АМВ дурагай нав уруғини етиштириш (уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари). – Тошкент: 1998. – Б. 139-140.

21. Методика полевых опытов с кукурузой (Днепропетровск, 1984) услубий қўлланмаси.

22. С Жамолов, Б Аллашов Маккажўхорининг хорижий тизмалари ривожланиш давлари. 2023/11/11 Ж. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. Том 1.№1.Ст. 236-239

УЎК: 633.16

ОЗУҚАБОП ЭКИНЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ НАМУНАЛАРИНИ СИНАШ ВА БАҲОЛАШ

М.М.Эрдонова-таянч докторант

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Кейинги йилларда тупроқ шўрланиш даражаси ортиб бориши, сув танқислиги каби муаммолар қишлоқ хўжалиги ерларида етиштириб олинадиган озуқабоп экинлардан ҳосилдорлигига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Тупроғи шўрланган ва сув танқис ҳудудларда озуқабоп экинлардан юқори ҳосил олиш орқали чорва моллари озуқа базасини яхшилашда озуабоп экинларнинг хорижий нав, намуналарини экиб синаш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада озуабоп экинларнинг хориждан келтирилган нав ва дурагайларини синаш ва баҳолаш натижасида олинган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Чорвачилик, озуқа базаси, озуқабоп экинлар экинлар, оқжўхори, ҳосилдорлик, бошпоя баландлиги.

Summary. In recent years, problems such as soil salinization and water shortage have negatively affected the productivity of forage crops grown on agricultural lands. In areas with saline soils and water shortage, it is important to test and evaluate foreign varieties and samples of forage crops in order to improve the forage base of livestock by obtaining high yields of forage crops. This article presents the data obtained as a result of testing and evaluating imported varieties and hybrids of forage crops.

Key words: Livestock, forage base, forage crops, sorghum, productivity, stem height.

Кириш. Ҳаммамизга маълумки чорвачиликни муваффақиятли ривожлантиришда озуқа базаси муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. чорва моллари маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшилашда энг аввало озуқа базасини мустаҳкам қилиб олиш ва тўғри озиқлантиришни йўлга қўйишга катта эътибор

қаратиш керак бўлади. Кейинги йилларда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш юзасидан кўплаб ҳукумат Фармонлари, қарорлари, топшириқлари қабул қилинди. Эътиборли томони ушбу Фармон ва қарорларда озуқа базаси бўйича ҳам аниқ топшириқлар келтириб ўтилган. Чорвачилик йўналишидаги кластерлар, фермер хўжаликларига чорва моллари бош сонига қараб қишлоқ хўжалиги ерлари ажратиб берилган. Ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш учун имкон қадар озуқабоп экинлардан юқори ҳосил олиш, ҳар бир гектар ердан кўпроқ озуқа бирлиги етиштириб олиш талаб этилади. Яна шуни инобатга олиш керакки кейинги йилларда кескин иқлим ўзгаришлари кузатилмоқда, об-ҳавонинг исиб кетиши, аномал совуқ ва бошқалар. Иқлим ўзгаришлари ҳам озуқабоп экинлар ҳосилдорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Чорва моллари озуқа базаси учун ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишда энг аввало ҳар бир ҳудуд тупроқ иқлим шароитларига мос озуқабоп экин тури, уларнинг нав ёки дурагайлари тўғри танлаб экишга биринчи навбатда эътибор қаратишлари керак бўлади.

Инсон талабларини қондиришда инсон эволюциясида яхши хазмланувчи чорвачилик маҳсулотлари гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш ўта муҳим ҳисобланади. Бу омилни бажариш аввалом бор чорвачилик маҳсулотларини маҳсулдорлигини ва маҳсулотлари сифатини чорва молларининг озиқлантиришини ҳамда зотини яхшилаш ҳисобига амалга оширилади.

Чорва молларинининг юқори маҳсулдорлик ирсий имкониятларини намоён этишнинг асосий омилларидан бири уларни талабларига мос равишда тўлақонли озиқлантиришдир. Рационни тўлақонли озиқлантириш учун унинг тўйимли моддалари миқдорини, чорва молларни турли физиологик давридаги талаблари инобатга олиш зарур бўлади. [1-20].

Тадқиқот мақсади. Олиб борилган тадқиқотнинг мақсади озуқабоп экинларнинг АҚШ, Нидерландия, Австралия, Сербия, Туркия, Ҳиндистон каби давлатлардан келтирилган ва маҳаллий 27 та нав намуналари экиб синаш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотларда дала, лаборатория тажрибалари, фенологик кузатувлар умумқабул қилинган “Дон ва дуккакли экинлардан элита ва суперэлита уруғларини олиш” (1982) услуги ва уруғликнинг сифат кўрсаткичлари ЎЗДСт 2823:2014 “Семена с/х культур, методы определения всхожести”дан фойдаланилди. Олинган натижалар Б.А.Доспехов “Методика полевого опыта” (М.1985) ва замонавий АНОВА (Анализис варiances) дисперсион услубларида статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижалари. Институт тажриба даласида озуқабоп экинларнинг 27 та маҳаллий ва хорижий нав, намуналарини синаш учун 4 та такрорланишда экиб ўрганилди. Агротехник тадбирлар бир хил қўлланилди. Барча намуналар бўйича фенологик кузатувлар олиб борилди. Бир қатор қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганилди.

Жорий йилнинг 18-август куни соҳа мутахассисларидан иборат ҳар хил ташкилотлардан иштирок этган 62 та иштирокчилар ёрдамида баҳолаш тадбири ўтказилди. 40 та соҳа мутахассислари баҳолашда иштирок этдилар. Тажриба кўчатзоридида экилган нав, намуналар кўк масса ҳосилдорлиги, дон

ҳосилдорлиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, бошпоя баландлиги, унинг майинлиги, ўсимлик баргдорлиги бўйича 5 баллик тизимда баҳолаш ўтказилди. Баҳолаш мезонлари қуйидагича:

- 1-балл, жуда паст кўрсаткич
- 2-балл, паст кўрсаткич
- 3-балл, қониқари кўрсаткич
- 4-балл, яхши кўрсаткич
- 5-балл, аъло кўрсаткич

Озуқабоп экинларни баҳолаш натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Озуқабоп экинларнинг маҳаллий ва хорижий нав, намуналарини айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича баҳолаш натижалари

№	Экин тури, нави	Кўрсаткичлар					Жами балл
		Кўк масса ҳосили	Дон ҳосили	Чидам-лилик	Бошпоя баландлиги, майинлиги	Баргдорлик	
1	Маккажўхори маҳаллий	4,57	4,65	4,37	4,61	4,61	22,81
2	Маккажўхори NS-3023 дурагайи	3,48	3,65	3,77	3,37	3,72	17,99
3	Маккажўхори AGN-290 дурагайи	3,55	3,75	3,87	3,82	3,57	18,55
4	Маккажўхори AGN-340 дурагайи	3,45	3,70	4,08	3,62	3,67	18,52
5	Маккажўхори Дилшод нави	4,30	4,05	4,37	4,27	4,30	21,29
6	Маккажўхори Ўзбекистон-300	4,23	4,33	4,18	4,45	4,50	21,68
7	Маккажўхори Kolumet дурагайи	3,72	3,87	3,97	3,84	3,97	19,35
8	Сорго - Susu	4,48	4,13	4,50	4,58	4,65	22,33
9	Сорго-янги намуна	4,45	4,20	4,33	4,52	4,32	21,82
10	Африка қўноғи Nis-1103	4,49	3,66	4,59	4,26	4,59	21,58
11	Сорго-NutriTopStar	4,68	3,65	4,45	4,70	4,73	22,20
12	Сорго-Hunnigreen	4,85	3,55	4,48	4,68	4,70	22,25
13	Сорго-Nudan	4,73	3,51	4,50	4,38	4,50	21,61
14	Сорго-янги тизма	4,65	4,28	4,63	4,58	4,48	22,60
15	Сорго-Revolution	4,40	4,03	4,40	4,48	4,30	21,60
16	Сорго+суданка Ns Djin	4,43	4,18	4,50	4,63	4,33	22,05
17	Сорго-AF-7102	4,13	4,38	4,58	4,30	4,58	21,95
18	Сорго-Nis-1501	4,00	4,38	4,45	4,18	4,53	21,53
19	Сорго-Nis-1502	3,85	4,05	4,13	4,05	4,10	20,18
20	Сорго-Jambostar	4,45	3,62	4,32	4,25	4,65	21,28
21	Сорго-Macia	3,68	4,23	4,23	4,25	4,13	20,50
22	Сорго-Kirgiziya	4,00	4,07	4,35	4,30	4,12	20,83
23	Сорго-янги тизма	4,50	4,48	4,55	4,68	4,48	22,68
24	Сорго-Zumbra	3,85	4,33	4,40	4,32	4,45	21,34
25	Сорго-Santinel	3,50	4,00	4,35	4,08	4,25	20,17
26	Сорго-Biyanka	3,50	3,63	4,17	3,80	4,10	19,20
27	Сорго-AF-8301	3,33	3,43	3,40	3,43	3,43	17,00

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, кўк масса ҳосилдорлиги бўйича юқори балли соргонинг Hunnigreen дурагайи (4,85 балл), дон ҳосилдорлиги бўйича юқори балли маккажўхорининг янги маҳаллий намунаси (4,65 балл), касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ бўйича юқори балли соргонинг янги маҳаллий тизмаси (4,63 балл), бошпоя баландлиги ва ейилувчанлиги бўйича соргонинг NutriTopStar дурагайи (4,7 балл), баргдорлиги бўйича ҳам бўйича соргонинг NutriTopStar дурагайи (4,73 балл) эгаллади.

Хулосалар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган натижаларга асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, кўк масса учун соргонинг Hunnigreen дурагайини, дон учун маккажўхорининг янги маҳаллий намунасини, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ бўйича соргонинг янги маҳаллий тизмасини, бошпоя баландлиги ва ейилувчанлиги, ҳамда баргдорлиги бўйича соргонинг NutriTopStar дурагайини экиб етиштириш учун тавсия этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, F.Toreev. Effective agrotechnology for cultivation of forage crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 2020, 614 (1), 012159 <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/614/1/012159>

2. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, M.N.Sattarov. Primary seed production of fodder crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 614 (1), 012160 <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/614/1/012160>

3. Б.Аллашов, С Жамолов Озукабоп экинларнинг иссикка ва сув танқислигига бардошли нав, намуналарини танлаш. Ж. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов." (2023).

4. БД Аллашов, С Жамолов Чорвачиликда озука базасини мустахкамлашда инновацион усулда кашкарбедани бошокли экинлар билан аралашма холда экиб етиштиришнинг ахамияти // Самарқанд ветеринария медицинаси институти Тошкент филиалида 2021 йил 30-март куни бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман тўплами. Тошкент-2021. 100-бет

5. Б.Аллашов, М.Бонни. Селекционные работы по улучшению кормовой базы сорго, овса и тритикале. 2024/10/11 Ж.Перспективы кролиководства: проблемы и решения. Том 1. №1. Ст. 110-113

6. БД.Аллашов, С.Г.Жамолов, Д.Р.Жураева Сувсизликка ва иссикка чидамли булган озукабоп экинларнинг хорижий нав ёки намуналарини танлаш. Ж.Science and innovation. Special №8, С.285-296

7. Б.Д.Аллашов Миллий генбанкдан олинган оқжўхори намуналарини айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганиш. 2024 Ж. Science and innovation. Том 3. №Special Issue 47. 574-579 бетлар.

8. БД Аллашов, СГ Жамолов. Озукабоп экинларда айрим хўжалик белгилари бўйича олиб борилган селекция ишлари. 2023/11/11 Ж. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. Том 1.№1.Ст. 227-230.

9.Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ, Тошкент. 2007, 147б.

10. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта. 5-е изд.» - М.: Агропромиздат, 1985. 351 с.
11. ДР Жўраева, БД Аллашов Маккажўхори етиштиришда инновацион усулда тайёрланган компостдан фойдаланиш. 2023 Ж.Science and innovation. Том 2. №Special Issue 8. 297-301 бетлар
12. Кимсанов И., Абсаматов С. Маккажўхорини Ўзбекистон 306 АМВ дурагай нав уруғини етиштириш (уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари). – Тошкент: 1998. – Б. 139-140.
13. Методика полевых опытов с кукурузой (Днепропетровск, 1984) услубий қўлланмаси.

УЎК: 633.16

АРПАНИНГ ХОРИЖИЙ НАМУНАЛАРИНИ АЙРИМ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

М.М.Эрдонова-таянч докторант

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш ҳамда чорвачиликда озуқа базасини яхшилашда оралик экинлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Кузги оралик экин сифатида, чорва моллари учун озуқабоп экин сифатида бошоқли экинлардан арпа экини ҳам кенг фойдаланилади. Арпанинг юқори ҳосилдор янги навларини яратишда хорижий намуналарни синаш ва уларни селекция ишларига жалб қилиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Ушбу мақолада арпанинг Туркиядан келтирилган ҳар хил намуналарини бошпоё баландлиги ва бошоқ узунлиги кўрсаткичларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Чорвачилик, озуқа базаси, оралик экинлар, бошоқли экин, арпа, ҳосилдорлик, бошпоё баландлиги, бошоқ узунлиги, сенаж.

Summary. The use of catch crops is of great importance for the efficient use of agricultural land and improvement of the forage base of livestock. Barley is also widely used as a winter catch crop and a forage crop for livestock. Testing foreign samples and involving them in breeding work is also of great importance for the creation of new high-yielding varieties of barley. The article presents data obtained from studying the height of the stem and the length of the ear of various barley samples imported from Turkey.

Key words: Livestock, forage base, catch crops, grain crops, barley, productivity, height of the stem, length of the ear, haylage.

Кириш. Арпа аҳамияти жуда юқори бўлиб, у озиқ-овқат, чорва озуқаси ва саноат соҳаларида кенг қўлланилади. Арпа ҳам анъанавий экинлардан бири бўлиб, озиқ-овқат ва ем-хашак учун ишлатиладиган юқори сифатли дон ҳамда сенаж ёки сомон олиш имконини беради. Ем-хашак экинлари орасида арпа экини ҳам муҳим экинлардан бири саналади.

	yaylov unumdorligi va ekotizim xizmatlarini rivojlantirish bo'yicha ilmiy sharh (1991–2024)	
84	Xolmatov A.X., Xodjaev U.T. Ozuqabop ekinlarni hosildorligini oshirishda biogumusning ahamiyati	312
85	Ачилова Ш.С. Chelidonium majus l. ўсимлигининг экин шароитидаги баъзи биологик хусусиятлари	317
86	Ахмедов Т.П. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда оралик муддатда экиладиган бошоқли экинлар	320
87	Маматова Ш.А., Ахмедов Т.П. Дуккакли экинларнинг маҳаллий ва хорижий намуналарини айрим қимматли хўжалик белгилари	324
88	Эрдонова М.М., Маматова Ш.А., Ахмедов Т.П. Бошоқли экин жавдарда бошпоя баландлиги	328
89	Эрдонова М.М. Озуқабоп экинларнинг хорижий намуналарини синаш ва баҳолаш	332
90	Эрдонова М.М. Арпанинг хорижий намуналарини айрим қимматли хўжалик белгилари	336
91	Xolto'raev Sh.Ch., Sultonov X.M., Xaitov J.T., O'rinov J.N. Qayrag'och urug'larining laboratoriya sharoitida unuvchanlik ko'rsatgichlari	340
92	Murzabaev B.A., Kantureyeva G.O., Tastanbekova G.R. Content of microelements on soils of Turkestan region for growing sudan grass	344
93	Егемкулов Н.А., Мурзабаев Б.А., Жылкибаев А.К. Проблемы и решения вопросов кормления пустынного животноводство на Юге Казахстана	349
IV. CHORVACHILIK VA VETERINARIYA SOHALARI DOLZARB MUAMMOLARI VA YECHIMLARI		
94	Прманшаев М., Аубакиров Х.А., Тлепов А.А. Состояние и перспективы развития козоводства Республики Казахстан	354
95	Аубакиров Х.А., Прманшаев М., Тлепов А.А. Молочная продуктивность завозных коз зааненской породы	365
96	Жаксылыков Е.К. Цифровизация и автоматизация животноводства и их современные информационные решения	371
97	Сергазиева М.Р., Галымжан Д.Е., Сапарбаева С.А. Современные направления совершенствования системы управления сельским хозяйством в Казахстане	374
98	Никитина И.А., Ятусевич В.П. Воспроизводительные качества кур родительского стада кросса «Росс-308» в зависимости от способа содержания	377
99	Косимов М.А. Динамика численности овец в России и Центральной Азии: тенденции и перспективы развития овцеводства	381
100	Власенко Е.В. Продуктивность молодняка овец породы тексель в условиях республиканского унитарного предприятия «Витебское племпредприятие»	385